

Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ZOOM платформаси орқали онлайн ташкил этилди ва унда туман Кенгаши депутатлари, алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда котибият мутахассислари иштирок этишди.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Унда Термиз туман ҳокими биринчи ўринбосари Одил Якубов ва туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Маърифат Расуловаларнинг ҳисоботлари эшитилди.